

«ХОР-ДИРИЖЁРЛИГИ АМАЛИЁТИГА ТАЙЁРЛАШДА АНЬАНАВИЙ ВА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ УСЛУБЛАРИ»

Азамат Ражабов

*Бухоро давлат университети
“Мусиқа ижрочилиги ва маданият”
кафедраси катта ўқитувчиси*

Аннотация. Уибу мақолада хор-дирижёрги амалиётига тайёрлашда анъанавий ва инновацион таълим технологияларидан фойдаланиши услублари, интерфаол методлар, интерфаол таълим стратегиялари, интерфаол график органайзерлар дарс жараёнларида қўллаш тўғрисида маълумотлар кенг ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Дирижёр, хор, вокаль, стандарт, дикция, интонация, регистр, төсечтура, куй, метод.

Ҳозирги вақтда таълим жараёнида ўқитишининг замонавий методлари кенг қўлланилмоқда. Ўқитишининг замонавий методларини қўллаш ўқитиши жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Бу методларни ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ. Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда уни таълим олувчилар фаолиятини фаоллаштирадиган турли-туман методлар билан бойитиш таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражаси ўсишига олиб келади.

Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатларда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи замонавий педагогик технологияларни қўллаш борасида катта тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда. Интерфаол таълим методлари ҳозирда энг кўп тарқалган ва барча турдаги таълим муассасаларида кенг қўлланаётган методлардан ҳисобланади. Шу билан бирга, интерфаол таълим методларининг турлари кўп бўлиб, таълим-тарбия жараёнининг деярлик ҳамма вазифаларини амалга ошириш мақсадлари учун мослари ҳозирда мавжуд. Амалиётда улардан муайян мақсадлар учун мосларини ажратиб тегишлича қўллаш мумкин. Бу ҳолат ҳозирда интерфаол таълим методларини маълум мақсадларни амалга ошириш учун тўғри танлаш муаммосини келтириб чиқарган.

Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим олувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантириб турилиши, ўкув материалини кичик-кичик бўлакларга бўлиб, уларнинг мазмунини очища - ақлий хужум;

- кичик гурухларда ишлаш;

- баҳс-мунозара;
- муаммоли вазият;
- йўналтирувчи матн;
- лойиха;
- ролли ўйинлар каби методларни қўллаш ва таълим олувчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади.

Интерфаол метод бирор фаолият ёки муаммони ўзаро мулоқотда, ўзаро баҳс-мунозарада фикрлаш асносида, ҳамжихатлик билан ҳал этишдир. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, бутун фаолият ўқувчи-талабани мустақил фикрлашга ўргатиб, мустақил ҳаётга тайёрлайди.

Ўқитишининг интерфаол усулларини танлашда таълим мақсади, таълим олувчиларнинг сони ва имкониятлари, ўқув муассасасининг ўқув-моддий шароити, таълимнинг давомийлиги, ўқитувчининг педагогик маҳорати ва бошқалар эътиборга олинади.

Интерфаол методлар деганда – таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган методлар тушунилади.

Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим олувчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим олувчи бутун жараён давомида иштирок этади. Таълим олувчи марказда бўлган ёндашувнинг фойдали жиҳатлари қўйидагиларда намоён бўлади:

- таълим самараси юкорироқ бўлган ўқиш-ўрганиш;
- таълим олувчининг юқори даражада рағбатлантирилиши;
- илгари орттирилган билимларнинг ҳам эътиборга олиниши;
- таълим жараёни таълим олувчининг мақсад ва эҳтиёжларига мувофиқлаштирилиши;
- таълим олувчининг ташаббускорлиги ва масъулиятининг қўллаб-куватланиши;
- амалда бажариш орқали ўрганилиши;
- икки тарафлама фикр-мулоҳазаларга шароит яратилиши.

Шундай қилиб, фанларни ўқитиши жараёнида интерфаол методлардан фойдаланиш ўзига хос хусусиятга эга. Таълим амалиётида фойдаланилаётган ҳар бир интерфаол методни синчиклаб ўрганиш ва амалда қўллаш ўқувчи-талabalарнинг фикрлашини кенгайтиради ҳамда муаммонинг тўғри ечимини топишларига ижобий таъсир кўрсатади. Ўқувчи-талabalарнинг ижодкорлигини ва фаоллигини оширади. Турли хил назарий ва амалий муаммолар интерфаол методлар орқали таҳлил этилганда ўқувчи-талabalарнинг билим, кўникма, малакалари кенгайиши ва чукурлашишига эришилади.

Юқорида айтилғанлардан интерфаол таълим методларини тегишлича таҳлил килиш ва шу асосда уларни таснифлаш зарурати маълум бўлади. Қуйида ушбу масала юзасидан умумий мулоҳазаларни келтирамиз.

Бу методларни таснифлашда уларни интерфаол методлар, интерфаол таълим стратегиялари, интерфаол график органайзерларга ажратиш мумкин.

Ҳозирги кунда энг оммавий интерфаол таълим методлари қуидагилар саналади:

1. Интерфаол методлар:

- «Кейс-стади» (ёки «Ўқув кейслари»),
- «Блист-сўров»,
- «Моделлаштириш»,
- «Ижодий иш»,
- «Муаммоли таълим» ва бошқалар.

2. Интерфаол таълим стратегиялари:

- «Ақлий ҳужум»,
- «Бумеранг»,
- «Галерея»,
- «Зиг-заг»,
- «Зинама-зина»,
- «Музёрап»,
- «Ротация»,
- «Юмалоқланган қор» ва бошқалар.

Интерфаол таълим методлари таркибидан интерфаол таълим стратегияларини ажратишида груп ишини ташкил қилишга ёндашув маълум маънода стратегик ёндашувга қиёсланишига асосланилади. Аслида бу стратегиялар ҳам кўпроқ жиҳатдан интерфаол таълим методларига тегишли бўлиб, уларнинг орасида бошқа фарқлар йўқ.

3. Интерфаол график органайзерлар:

- «Балиқ скелети»,
- «БББ»,
- «Констептуал жадвал»,
- «Венн диаграммаси»,
- «Т-жадвал»,
- «Инсерт»,
- «Кластер»,
- «Нима учун?»,
- «Қандай?» ва бошқалар.

Интерфаол график органайзерларни ажратишида бундай машғулотларда асосий фикрлар турли график шаклларда ёзма кўринишида ифодаланишига асосланилади. Аслида бу график органайзерлар билан ишлаш ҳам кўпроқ жиҳатдан интерфаол таълим методларига тегишли бўлиб, уларнинг орасида бошқа фарқлар йўқ.

Интерфаол таълим методларини кўпинча турли шакллардаги ўқув машғулотлари технологиялари билан бир вактда қўлланмокда. Бу методларни қўллаш машғулот иштирокчиларининг фаолликларини ошириб, таълим самарадорлигини яхшилашга хизмат қиласди.

Энг жиддий дидактик муаммолардан бири таълим методларини танлаш нималарга боғлиқ, деган масаладир.

Дидактикага оид адабиётларда таълим методларини тўғри танлаш ва уларни қўллаш самарадорлигининг турли омиллар билан боғлиқликлари қўйидагича қайд қилинади:

- биринчидан, ўқув машғулотларининг дидактик мақсадлари ва вазифаларига боғлиқ;
- иккинчидан, баён қилинадиган материалнинг характеристига боғлиқ;
- учинчидан, таълим олувчиларнинг билими ва ривожланиш даражасига боғлиқ;
- тўртингидан, ўқув жараёнида ўрганилаётган фан асосларининг муайян (ҳозирги) даврдаги методларига боғлиқ;
- бешинчидан, олий ўқув юрти ёки кафедранинг шароитларига боғлиқ;
- олтинчидан, ўқув жараёнининг моддий-техник таъминоти билан боғлиқ;
- еттингидан, ўқитувчининг педагогик маҳорати, унинг тайёргарлиги ва ўқув жараёнини ташкил этиш даражаси ҳамда ўқитувчининг ҳозирги замон методлари бўйича билимларига боғлиқ.

Шундай қилиб, олий таълим муассасаларидаги касбий таълим жараёни ўқитишининг замонавий шакл ва методларига мувофиқ ташкил этиладиган кўпкіррали яхлит тизим доирасида амалга оширилади. Бунда ҳар бир шакл ўз олдига қўйган вазифаларни бажаради, лекин шакл ва методлар тўплами ягона дидактик мажмуани ҳосил қиласди. Бу дидактик мажмуанинг амалга оширилиши эса, ўқув жараёнининг психологик-педагогик қонуниятлари билан белгиланади.

Республикамизда мавжуд таълим тизимининг барча босқичларида бўлгани каби умумий ўрта таълим мактабларида мусиқа таълими ва тарбияси имкониятларидан кенг фойдаланишга қаратилган илмий-тадқиқий ишларга табиий равишда эътибор қаратилиб келинаётганлиги дикқатга сазовордир. Мазкур илмий изланишлар таркибида умумтаълим мактаблари мусиқа таълимининг ўзига хос фаолият турлари бўйича олиб бориладиган ўқув-тарбиявий ишларнинг ўзига хос ташкилий, услубий асосларини узлуксиз такомиллаштириб бориш, уни дарс ва синфдан ташқари фаолиятлар уйғунлигига йўлга қўйиш орқали юқори самарадорликка эришиш масаласи ҳам алоҳида ўрин тутади.

Умумтаълим мактабларидаги мусиқа таълими ва тарбияси соҳасидаги янгиланиш ва ўзгаришлар кўламини илмий кузатишлар шуни кўрсатадики, мактаб «мусиқа маданияти» фанини ўқитилиши жараёнида ўқувчиларни мусиқий-назарий ва амалий ижрочилик 10кўникма ва малакаларини шакллантиришга қўйилган ижтимоий

буортмалар бу ишларни синфдан ташқари фаолият билан узвий ҳолда олиб бориш, уларни ягона мақсадга мослаштиришни таъминлаш, шу асосда таълим сифати ва мазмунини такомиллаштириб бориш билан кутилган натижаларга эришиш мүмкінлегини күрсатмоқда. Маълумки умумтаълим мактабларида ўқитиладиган «музиқа маданияти» фани бошқа фанлар ўқитилишида ўзининг бир неча фаолиятлар негизида ташкил этилиш хусусияти билан ажралиб туради. Бу фаолиятлар таркибида «жамоа (хор) бўлиб куйлаш» фаолияти алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу фаолиятга дарснинг асосий ҳажми ажратилади ва асосий мақсад ўқувчиларни вокал-хор малакаларини шакллантиришни кўзда тутади. 11 Вокал-хор малакаларини шакллантириш эса узоқ ва узлуксиз, тизимли йўлга қўйилган ўқув ва ижодий жараённи талаб қилиши туфайли, фанга ажратилган ўқув соатларини гоят чекланганлиги ушбу жараённи синфдан ташқари фаолиятлар уйғунлигига йўлга қўйишни тақозо этади. Бу эса жиддий 12 педагогик муаммо сифатида мусиқий таълим жараёнида ўқувчи-ёшларни мусиқий қобилият ва эҳтиёжларини шу жумладан уларни вокал-хор малакаларини ривожлантиришга йўналтирилган таълим жараёнининг педагогик ва методик асосларини ишлаб чиқиши ва амалиётга кенг тадбиқ этишни долзарб вазифа қилиб қўяди. Шу ўринда мактаб мусиқа таълимидағи «жамоа бўлиб куйлаш» фаолияти олдига қўйилган мақсад, вазифалар моҳиятига қисқача тўхталиб ўтсак. Мактаб мусиқа таълимидағи «жамоа бўлиб қўшиқ куйлаш» фаолияти жуда серқирра ва кенг диапазондаги ўқув-тарбиявий ишларни қамраб оладики, улардан энг асосийлари, бу – ўқувчиларнинг вокал-хор малакаларини шакллантириш ҳисобланади. 13 Бу эса ўз навбатида

- вокаль овоз ҳосил қилиш,
- товушни йўллаш,
- нафас олиш,
- уни тежамли сарфлаш,
- нафасни қандай олиш,
- қандай сарфлаш (товуш ҳужуми),
- мусиқий эшитув (товушни ўз баландлигига эшитиш, ҳис қилиш, соф интонация (товушни ўз баландлигига куйлаш),
- дикция (соф талаффуз),
- артикуляция (овоз аппаратини тўғри ишлата билиш),
- ансамбиллик (жўрнавозлиқда куйлашга эришиш),
- соз (музиқа тоналлигига, ўқитувчи овозига созланиш),
- нотага қараб куйлаш (варақдан ўқиш),
- куйлашда дирижёрлик ишораларини тушуниб, унга риоя қилиб куйлаш,
- оҳанг матнини «сольфеджиолаш»,
- динамик белгиларга риоя қилиб куйлаш,

- кўп овозли куйлаш кўнику мақаларини эгаллаш кабиларни ўз ичига олади. Кўринадики, бундай кенг диапазонда ишларни биргина дарс жараённанда муваффақиятли амалга ошириш имконияти жуда ҳам чекланган. Чунки 1 соатлик мусиқа дарси бундан ташқари ҳам бир қатор ўқув вазифаларини амалга оширишни (назарий саводхонлик, мусиқа тинглаш ва таҳлил қилиш, мусиқага мос ритмик ва рақс ҳаракатларини бажариш, болалар өзгөртүш асбобида жўр бўлиш) тақозо этадиким, айнан мана шу сабаблар «жамоавий ижрочилик» фаолиятини (мактаб мусиқа таълимида бир синф бир жамоа саналади) синфдан ташқари хор тўгараги фаолияти билан муваффақлаштириш мақсадга эришишнинг энг тўғри, самарали йўли эканлигини кафолатлади.

Жамоавий ижрочилик яъни хор бўлиб қўшиқ куйлаш ўз ўрнида бир қатор вокал-хор малакаларини талаб қиласиди, бу малакаларсиз хор бўлиб куйлашни тасаввур этиш қийин. Ўқувчиларни хор бўлиб куйлашга ўргатиш учун вокал-хор малакаларини қунт билан, сабр-бардош билан эгаллаб боришни ва зарур кўникуларга эга бўлишини тақозо этади. Жамоа бўлиб – хор бўлиб куйлаш ўқувчиларда бир қатор жихатларни жумладан, уларда кўпчилик бўлиб куйлаш давомида ўзгаларни куйлашини эшитиб, ягона организмга бирлашиб, ансамблликни ҳис этиб куйлашга ўргатади, ўз навбатида бу уларни ахлоқий ва маънавий жихатдан шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Ҳозирги кунга келиб болалар хор ижрочилигининг янги-янги шакллари юзага келмоқдаки, булардан энг асосийлари қўйидагиларидир:

1. Мусиқа дарсларида синф-хор жамоаси. (Булар ўз ўрнида мактаб маданий тадбирларида, синф-концерт чиқишиларида ўзларини намойиш қилишади).
2. Мактабда ташкил қилинадиган болалар хор тўгараклари.
3. Болалар ижодиёт марказларида ташкил этиладиган хорлар.
4. Болалар хор студиялари.
5. Болалар мусиқа ва санъат мактабларида ташкил этиладиган хор жамоалари.
6. Маданият муассасалари қошида ташкил этиладиган бадиий ҳаваскорлик хор жамоалари.

Буларнинг барчаси Республикализ мактабларида таҳсил олаётган мактаб ўқувчиларни бўш вақтларини кўнгилли ўтказиш ва уларни мусиқий қизиқиши ва қобилиятларини юзага чиқариш ва эстетик тарбиялаш вазифаларини кўзда тутади. Қолаверса бу давлатимиз томонидан мусиқа санъатига, мусиқанинг ёшлилар тарбиясида тутадиган ўрни ва аҳамиятига юқори баҳосининг натижасидир. Умумтаълим мактабларида ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида ташкил этиладиган хор жамоалари ишини яхши йўлга қўйиш ва ижодий муваффақиятларга тайёрлаш анча масъулиятни ва мураккаб педагогик жараённи талаб қиласидир. Хор тўгараги ҳаваскор ўқувчиларни янгича мусиқий оламга олиб кирувчи ҳаваскорликнинг оммавий тури бўлиб, бу ўқувчиларнинг мусиқий қобилиятларини ва истеъодларини юзага чиқаришда муҳим ўрин тутади. Мусиқа ва қўшиқ айтишга иштиёқманд ўқувчиларни бундай тўгаракларга жалб қилиш, факат мусиқа ўқитувчисининг иши

бўлмай, балки бутун жамоатчиликнинг, қолаверса мактаб ва мактабдан ташқари муассаса раҳбариятининг давлатимиз томонидан болалар таълими ва тарбиясига берилаётган катта ғамхўрликни, эътиборни ҳис этишлари ва масъулияти вазифани бажариш йўлидаги интилишлари натижасидир. Хор жамоаси ишини аввал бошдан тўғри йўлга қўйиш ва унинг муваффақиятли ишлашида раҳбарнинг ташкилотчилик фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки хор бўлиб куйлаш вокаль куйлашга асосланади. Хор жамоаси қандай тур ва типда бўлишидан қатъий назар, хонандаларда вокаль куйлаш қўнималарини ҳосил қилиш энг муҳим иш ҳисобланади. Хор жамоасида олиб бориладиган вокаль ишларининг мақсади ижрочиларда тўғри, жарангдор овоз, интервал-аккордларни соф интонация қилиш малакаларини ҳосил қилишдир. Бунда қуидаги жиҳатларга асосий эътибор каратилади:

-вокаль хор ижрочлигининг муҳим элементлари устида ишлаш, яхши соз ансамбллик, сўз талаффузи, бадиий ифода воситаларини эгаллаш;

-тўғри нафас олиш, вокаль товушни барпо қилиш ва шакллантириш;

-жамоа аъзоларини ягона организмга бирлашган куйлаш макаларига эга қилиш, ижрони бошлаш, тугаллаш, дирижёрлик ишораларига амал қилиб куйлаш омилларига эришиш;

Хор бўлиб куйлашнинг муҳим элементларини барпо қилиш вокал-хор техникасини эгаллашни тақазо этади.

Педагогик олий таълимда бўлажак ўқитувчининг касбий тайёргарлигини шакллантириш давлат ва жамиятнинг муҳим вазифасидир. Бўлажак мусиқа таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлилигини шакллантириш мазмуни ва технологияси асосан аниқ шартлар, таълим мафкураси, устувор ижтимоий қадриятлар билан белгиланади. Касбий тайёргарлик ҳақида ҳам шундай дейиш мумкинки, ундаги ўзгаришлар, жамиятнинг ривожланиши, таълим тизимини ривожлантираётган шароитлар билан боғлиқ. Мусиқа фанлари тузилмасида «дирижёрлик» ва «хор ва хоршунослик» фанлари ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиб, уларнинг назарий ва амалий ўқитилиши асосида бўлажак мусиқа таълими ўқитувчиларини педагогик фаолиятга тайёглашда муҳим омил ҳисобланади. Мусиқа таълими педагогикасида хоршунослик асослари ва дирижёрлик фанидан чуқур билим, назарий ва амалий ижро қўнимка, малакаларини эгаллаш талаб қилинади. Бу эса бўлажак мусиқа ўқитувчисининг мактаб фаолиятига тайёргарлиги жараёнида бир қатор педагогик омилларни пухта эгаллаши лозимлигини белгилайди. Мусиқа дарсларида жамоа бўлиб қўшиқ куйлаш дарснинг асосий фаолиятларидан бўлиб, жамоавий ижрочиликка ўргатиш ва ижрони бошқаришда ўқитувчи дирижёр сифатида намоён бўлади. Шундай экан, хор раҳбарининг (ўқитувчининг) куйловчи хор билан ўзаро мулокотида унинг дирижёрлик бўйича олган билимлари, малакавий тайёргарлиги ва амалий харакатлари асосий восита бўлиб, хор жамоасини бошқаришда, асар ғоявий-бадиий мазмунини очишида, эстетик таъсирчанлигини, эмоционаллигини ошириш ва иштирокини

тұлақонлигини таъминлашда, муаллиф ички ҳиссий кечинмаларини ижрочи ва тингловчиларга етказишида мухим үрин тутади. Шу сабаб бұлажак мусиқа үқитувчилари «дирижёрлик» фанини үрганишга масъулият билан ёндашишлари зарур. Хор маданиятининг атоқли намоёндаси ва педагог К.А.Олховнинг таъбирича дирижёрлик мусиқанинг ҳаракат ва имо-ишоралар тилида үзига хос таржимасидир. Дирижёр мусиқий асарларни үзига хос талқин қиласы, мұайян овозлар ижросини тақсимлайди ва ижро сифатини назорат қиласы. Үз үрнида дирижёр – ҳам актёр, ҳам режиссёр, ҳам хорни раҳбари, ҳам тарбиячидир.

Машхур немис дирижёри Оскар Фрид шундай ёздади: «Энг нозик мусиқий таассуротларни идрок этиш учун юрак билан туғилиш керак, таассуротларни ғояларга тадбиқ этиш учун ақлни тарбиялаш, бу ғояларни үз жамоасига бера олишда мустаҳкам, енгил, пластик, әгилувчан қатыяятли күлгә эга бўлиши зарур».

Вокал-хор техникаси нафас олиш, уни бир текис, тежамли сарфлаш, товуш ҳосил қилиш, уни ушлаб туриш, динамика, интонация, дикция малакалари киради. Ҳар қандай жамоавий ижрочиликда репертуар танлаш масаласи ҳал қилувчи омиллардан бўлиб, у жамоани ижодий камолотининг асосини ташкил этади. Танланган қўшиқлар болаларнинг овоз ва ижрочилик имкониятлари мос бўлиши ва албатта тарбиявий характерга эга бўлиши лозим. Болалар хор жамоаларида биринчи галда болаларга атаб ёзилган қўшиқларни танлаш керак. Чунки, бундай қўшиқлар болаларни ёш, психологик-физиологик ва овоз имкониятларига мослаб ёзилган бўлади. Шунингдек, болалар халқ қўшиқларининг хор ижросига мослаштирилган намуналаридан фойдаланиш, жамоа маълум даражада вокал-хор куйлаш малакаларига эга бўлгач, қардош халқлар ва чет эл композиторлари асарларини ҳам репертуарга киритиш мумкин. Хор жамоаси учун асарлар танлашда қуидаги шатларга амал қилиш фойдали бўлади:

- асар матнининг бадиий мазмуни ва тарбиявий таъсирчанликка эга бўлиши;
- қўшиқни болалар табиати, руҳиятига, ижро имкониятларига мос келиши, енгил, осон ўзлаштириладиган , халқчил бўлиши;
- асарнинг умумжамоа кучига тўғри келиши;
- асар диапазонининг хор тури ва умуман диапазонга мувофиқ келиши;
- енгил ва кичик асарлардан каттароқ, ижроси нисбатан қичиқроқ асарларга ўта бориши жамоани ўсишига олиб келади.
- шаклланган қўшиқларнинг турли тадбир ва концертларда фойдаланиш мумкинлигини ҳисобга олиш.

Репертуар жамоанинг ҳар бир аъзосини тўлақонли мусиқий ривожланишига ҳамда уларни ахлоқий-эстетик тарбиясига ижобий таъсир этади. Репертуарга киритиладиган асарлардан мавзу ва жанр жиҳатдан ранг-баранг бўлмоғи, унда ватанпарварлик, она ватан, она табиат, болалар дунёсига мос ўйин-қўшиқлар ҳайвонлар, ўсимликлар, фольклор асарлари, қардош ва чет эл композиторлари асарлари бўлиши ҳар жиҳатдан маъқул бўлади. Буларнинг барчаси болалар кўз

ўнгига ҳаётнинг янги-янги кирраларини намоён қилади. Уларнинг руҳий, маънавий дунёсини, мусиқий дид ва тафаккурини ўстиради.

Болалар хор жамоаларидағи ўқув-тарбиявий ишлар мазмунидә энг аввало, давлатимиз томонидан ёш авлодни тарбиялаш ишига қўйилаётган барча талаблар ўз аксини топмоғи мухимдир. «Ёшларимизни маънавий руҳда тарбиялашда мусиқа санъати бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатаётган» экан, бу ўринда уни тизимли равищда оилада, мактабгача таълим муассасаси, умумий ўрта таълим, мактабдан ташқари таълим, ўрта маҳсус таълим ва олий таълим тизимида яхши йўлга қўйиш ва улар фаолиятини узлуксиз такомиллаштириб бориш бугунги кунда энг долзарб вазифалардан бўлиб қолиши лозим. Умумтаълим мактабларида ташкил этиладиган болалар хор жамоалари нафақат болаларни мусиқий қобилиятини ва қизиқишлигини, мусиқий-назарий билимларини чуқурлаштириш шу билан бирга уларда нафосат оламини бадиий идрок қилиш, эстетик дидни, мусиқий тафаккур ва дунёқарашни таркиб топтиришга йўналтирилган бўлиши лозим. Болалар хор жамоаларида олиб бориладиган ўқув-тарбиявий ишларни тўғри йўлга қўйиш, унинг ижодий мувафаққиятини концертлар, кўрик-танловлардаги мувафаққиятини белгилайди. Жамоа йўлига қўйилган қатъий интизом машғулотларнинг изчилиги, мактаб маъмурияти, ота-оналарнинг яхши муносабати, шунингдек жамоани таълим-тарбия ишалариға фойдали ва аҳамиятли эканлиги айтиб, қўллаб-куватлашлари унинг ижодий ўсиши ва мустаҳкамлашиб боришида мухим аҳамият касб этади. Жамоанинг муваффақиятли ишлашида хор раҳбари бўлмиш ўқитувчининг ташкилотчилик қобилияти, болалар билан ишлаш тажрибаси, мусиқа педагогикаси билан ишлаш методикасидан яхши билим ва малакага эгалиги катта роль ўйнайди. Унинг ўз ишини режали, тизимли асосда иш олиб бориши жамоада ижодий ва қулай мұхитни барпо қилиши қўйилган мақсадга эришишда мухим роль ўйнайди.

Бугун мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги фармони асосида “таълим соҳасини тубдан такомиллаштириш, таълим сифатини ошириш, интеллектуал салоҳиятли, ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантириш масалаларига устивор вазифалар сифатида жиддий эътибор қаратилмоқда. Амалга оширилаётган таълимий ислоҳотлар ягона мақсад-баркамол шахс ва малакали мутахассисларни тарбиялаш ҳамда тайёрлашга йўналтириган бўлиб, мазкур мақсаднинг тўлақонли амалга оширилиши таълим тизимини такомиллаштириш, таълим жараёнида сифат ўзгаришлари ва юқори самарадорликка эришиш асосида таъминланади.” “Таълим-тарбиядаги сифат ўзгаришлари ва юқори самарадорлик мазкур соҳада ижобий янгилик киритиш билан белгиланади. Бундай янгиликни киритиш инновацион жараён бўлиб, илфор педагогик технологияларни жорий қилиб, таълимда сифат ва самарадорликка эришувдан иборат бўлади.”

Инновацион фаолият янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёларнинг мос келмаслиги ёхуд амалиётнинг янги шаклланаётган меъерининг юзага келган

меъёр билан тўқнашуви натижасида вужудга келган қатор муаммоларни ечишга йўналтирилган фаолият саналади. У шахснинг, хусусан, педагогнинг инновацион жараённи ташкил этишга ташкилий–технологик, методик ва ижодий жиҳатдан тайёrlиги ҳисобига ташкил этилади. Педагогик инновацияларнинг изчил равища педагогик фаолиятга янгиликларни олиб киришга имкон бериши орқали таълим тизими ёки жараёни мунтазам ривожланиб боради. Ўқитувчининг инновацион фаолияти педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи, олға ундовчи, бунёдкорликка рағбатлантирувчи куч сифатида намоён бўлади ҳамда у таълим жараёнининг сифатини кафолатлайди. Шу боис ҳар бир ўқитувчи инновацияларнинг моҳиятини тўла тушунган ҳолда ўз фаолиятига изчил татбиқ эта олса таълим жараёни ҳам сифат, ҳам самарадорлик нуқтаи назардан тараққий этади. Бу эса ўз навбатида таълим тизимининг ривожини таъминлайди. Бугунги кун ўқитувчидан инновациялардан яхши хабардорликни, уларни дарс жараёнига тадбиқ этишдаги касбий маҳоратни тақозо этади.

Педагогик олий таълим муассасаларида «Тоҳир Малик қиссаларида тарбия муаммоси талқини» модулини муаммоли таълим асосда ўқитиш қатор афзалликларга эга.

Муаммоли ўқитиш талабаларни ўраб турган борлиқни билиш методлари билан қуроллантиради, мақсадга мувофиқ кузатиш кўнишка ва малакаларни ривожлантиради, уларни асослаш орқали асосий қонуниятларни умумлаштириш ва хулоса қилиш қобилияtlарини тарбиялайди.

Республикамизда мавжуд таълим тизимининг барча босқичларида бўлгани каби умумий ўрта таълим мактабларида мусиқа таълими ва тарбияси имкониятларидан кенг фойдаланишга қаратилган илмий-тадқиқий ишларга табиий равища эътибор қаратилиб келинаётганлиги дикқатга сазовордир. Мазкур илмий изланишлар таркибида умумтаълим мактаблари мусиқа таъмининг ўзига хос фаолият турлари бўйича олиб бориладиган ўкув-тарбиявий ишларнинг ўзига хос ташкилий, услубий асосларини узлуксиз такомиллаштириб бориш, уни дарс ва синфдан ташқари фаолиятлар уйғунлигига йўлга қўйиш орқали юқори самарадорликка эришиш масаласи ҳам алоҳида ўрин тутади.

Умумтаълим мактабларидаги мусиқа таълими ва тарбияси соҳасидаги янгиланиш ва ўзгаришлар кўламини илмий кузатишлар шуни кўрсатадики, мактаб «мусиқа маданияти» фанини ўқитилиши жараёнида ўқувчиларни мусиқий-назарий ва амалий ижрочилик кўнишка ва малакаларини шакллантиришга қўйилган ижтимоий буюртмалар бу ишларни синфдан ташқари фаолият билан узвий ҳолда олиб бориш, уларни ягона мақсадга мослаштиришни таъминлаш, шу асосда таълим сифати ва мазмунини такомиллаштириб бориш билан қутилган натижаларга эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Құдратов И. Талабалар ва болалар ашула ва хор жамоаларини ташкил қилиш ва ишлаш методикаси. - Тошкент, Фан ва технологиялар нашриёти 2006й. 126 б
2. Тошматов Э. Дирижорлик. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти
3. нашриёти, 2008й
4. Г.Мансурова “Хоршунослик ва хор жамоалари устида ишлаш” Т.:2008 Янги нашр нашриёти
5. Рўзиев Ш. Хоршунослик. Т.; Ўқитувчи. 1987.
6. Н.Шарафиева. Хоршунослик. Т.; Ўқитувчи. 1988.
7. Кушаев А. Эстетик тарбия асослари. Т.; Ўқитувчи.1987.
8. Г.Шарипова. Мусиқа ўқитиш методикаси. ТДПУ. 2000.
9. Д.Соипова. Мусиқий ва мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш жарайёнини такомиллаштириш. Т.; 2005.
10. Асафев.Б.В. О хоровом искусстве. М.; Музика. 1980.
11. Аидриева. А.М. Методика преподавания хорового дирижёрования. М.; Проеведения. 1989.
12. Анисимов.А.Ш. Дирижёр – хормейстр. М.; Музика. 1996.
13. Олхов.К.А. Вопросы теории дирижёрской техники и обучения хоровых дирижёров. М.; Проеведения.1988.
14. Цоколов.В.Г. Работа с хором,-М.; Проеведения, 1993.
15. Э.Эшматов. Дирижёрлик. Т.; Ижод дунёси. 2008.
16. 15. Азимов.К. Ўзбекистон дирижёрлари. Т.: F.Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2001.
17. Гинзбург.Л. Дирижёрское искусство. М.; Музика. 1985.
18. Құдратов.И. Талабалар ва болалар ашула – хор жамоаларини ташкил қилишва ишлаш методикаси. Т.; Фан ва технологиялар нашриёти.2006.
19. Д.Ражабова. Фортепиано машғулотлари. Т.; Ўқитувчи. 1997.
20. Ҳаваскорлик ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрларини тузиш ва ишлаш методикаси. Т.; РХИМ. 1993.
21. П.Халабузар и др. Методики музыкального воспитания. М.; Проеведения 1990.
22. Н.Қозиев. Хор дирижёрлиги хрестоматияси. 1-китоб.Т.; F.Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 1975.
23. Н.Қозиев. Хор дирижёрлиги хрестоматияси. 2-китоб. Т.; F.Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 1976.
24. 23. Н.Қозиев. Хор дирижёрлиги хрестоматияси. 3-китоб. Т.; F.Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 1977.
25. Ҳ.Нурматов, Н.Нормўминов. Мусиқа алифбоси. Т.; F.Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2011.